



## Болаларга ёлғон гапирмаслик

Имом Абу Довуд ривоят қилған ҳадисда Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг ўйимизда ўтирган эдилар, онам мени чакириб:

- Ҳой, буёққа кел, сенга бир нарса бераман - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам онамга:
  - Унга нима бермоқчи эдингиз? - дедилар.
  - Хурмо бермоқчи эдим - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:
  - Билиб қўйинг, агар ҳеч нарса бермаганингизда сизга битта ёлғон ёзилар эди», -дедилар.

## **Мубоҳ бўлган ўйинларга рухсат бериш**

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида Юсуф алайхис-салом акалари ҳақида шундай дейди:



«………………………………………………………………………………………………………………………»

**«Уни эртага биз билан айланишга юборгин, ўйнаб ёзилиб келсин».**

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Бир куни ҳабашлар масжидда ўйнашаётган эди, Росулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳужрам эшиги ёнида туриб, уларнинг ўйинларини томоша қилишим учун мени ридолари билан тўсиб турдилар.

...).  
).

Рубайийъ бинти Муаввиз розияллоху анҳодан ривоят қилинади у (Ошуро рўзаси ҳақида гапира туриб) деди: Биз кейин ҳам у куннинг рўзасини тутардик, болаларимизга ҳам туттирадик, биз уларга жундан ўйинчоқ ясадик, улардан биронтаси “овқат” деб йигласа, ўша ўйинчоқни унга берардик то ифтор бўлгунча у ўйинчоқ билан овуниб турарди. (Бухорий ва Муслим ривояти)



**Шарҳ:**

Фарзандларни тарбиялашда энг катта йўлланма уларга ўзимиз яхши ўрнак бўлмоғимиздир, зеро халқимиз “Қуш уясида кўрганини қилади” деб бекорга айтмаган. Масалан, агар фарзандимизни ростгўйликка ўргатмоқчи бўлсак, аввало ўзимиз уларга ёлғон гапирмаслигимиз керак. Шунингдек ёш боланинг табиатида ўйинқароқлик бўлгани ва ҳали жиддийликка ўрганмагани учун ота-онанинг муроқабаси остида мубоҳ ўйинлардан ҳам ўйнаб туришга рухсат бериш керак.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Ёш болаларга ёлғон гапиришлик уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.
2. Болаларга чегарадан чиқмаган ҳолда мубоҳ ўйинларни ўйнашларига рухсат бериш.